

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИНИНГ АКЦИЯЛАРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАРНИ ЭКОНОМЕТРИК МОДЕЛЛАШТИРИШ

Худойқулов Хуршид Хуррамович
Тошкент давлат иқтисодиёт университети
ORCID:0000-0003-3105-9358
kh.khudoqulov@tsue.uz

Аннотация. Мақолада акциядорлик жамиятларини акцияси қийматига таъсир қилувчи омиллар таъсирини ҳамда эконометрик модел шакллантирилган. Шунингдек, акциядорлик жамиятларини акцияси қиймати таъсир қилувчи омилларни 2015 йилдан 2023 йилга бўлган маълумотлар асосида таҳлил қилинган. Жумладан, мамлакатимиздаги акциядорлик жамиятларидан «Қизилқумцемент», «Узметкомбинат», «Қўқон механика заводи» ва «Қварц» АЖларнинг акцияси қийматига таъсир қиласидиган омилларга ҳисобланган мультипликатор коэффициентларнинг прогнозлари баён қилинган. Ўз навбатида, акциядорлик жамиятини акцияси қийматини баҳолашда таъсир қилувчи омилларни прогнози билан мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этишга қаратиласкан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калинди сўзлар: акциядорлик жамияти; акцияси қиймати; пул оқими; активлар қиймати; хусусий акцияси қиймати; акцияси рентабиллиги; операцион фойдаси; прогноз.

ЭКОНОМЕТРИЧЕСКОЕ МОДЕЛИРОВАНИЕ ФАКТОРОВ ВЛИЯЮЩИХ НА АКЦИИ АКЦИОНЕРНЫХ ОБЩЕСТВ

Худойқулов Хуршид Хуррамович
Ташкентский государственный экономический университет

Аннотация. В статье сформировано влияние факторов, влияющих на стоимость акций акционерных обществ, и эконометрическая модель. Также на основе данных с 2015 по 2023 год были проанализированы факторы, влияющие на цену акций акционерных обществ. В частности, представлены прогнозы коэффициентов мультипликатора, рассчитанных для факторов, влияющих на стоимость акций акционерных обществ в нашей стране «Кызылкумцемент», «Узметкомбинат», «Коъконский механический завод» и АО «Қварц». С другой стороны, были выявлены существующие проблемы с прогнозом факторов, влияющих на стоимость акций акционерного общества, и разработаны научные предложения и практические рекомендации, направленные на их устранение.

Ключевые слова: акционерная компания; стоимость акций; денежный поток; стоимость активов; стоимость прямых инвестиций; доходность акции; прогноз операционной прибыли;

ECONOMETRIC MODELING OF FACTORS AFFECTING SHARES OF JOINT STOCK COMPANIES

Khudoykulov Khurshid Khurramovich
Tashkent State University of Economics

Abstract. In the article, the influence of factors affecting the value of shares of joint-stock companies and an econometric model are formed. Also, the factors influencing the share price of joint stock companies were analyzed based on the data from 2015 to 2023. In particular, forecasts of multiplier coefficients calculated for the factors affecting the value of shares of joint-stock companies in our country "Kyzilkumtsement", "Uzmetkombinat", "Ko'kon Mechanical Plant" and "Kvarts" JSCs are presented. On the other hand, existing problems were identified with the forecast of the factors affecting the value of the share of the joint-stock company, and scientific proposals and practical recommendations aimed at their elimination were developed.

Keywords: joint stock company; share value; cash flow; asset value; private equity value; profitability of the share; operating profit; forecast..

Кириш.

Акциядорлик жамиятларининг хусусий акциясиини баҳолашда асосан уларнинг акциялари ҳаққоний қийматини аниқлаш учун анъанавий усуллар, хусусан, бозор қиймати ва даромадларни баҳолаш ёндашувлари каби анъанавий усуллардан фойдаланилади. Шунингдек, иқтисодий фойда, қўшилган иқтисодий қиймат (EVA), бозорнинг қўшилган қийматига (MVA) ва акциядорлар қўшилган қиймати (SVA) каби молиявий қўрсаткичларни аниқлаш орқали хусусий акцияси қиймати баҳоланади. Бугунги кунда, кўпчилик иқтисодчилар ва таҳлилчилар молиявий ҳисботларнинг бухгалтерия баланси қийматлари ҳар доим ҳам ҳақиқий молиявий қўрсаткичларни акс эттирилмаслигини таъкидлайдилар. Шу боисдан, тараққий этан мамлакатларда акциядорлик жамиятларида хусусий ва акцияси қийматини баҳолашда кутилаётган пул оқимларининг жорий қийматидан фойдаланиш кенг қўлланилмоқда. Хусусан, дисконтланган пул оқимлари методологияси акцияси лойиҳаларини баҳолашда фойдаланилмоқда. Акциядорлик жамиятлари хусусий акциясииadolатli қийматини баҳолаш учун даромадларни баҳолаш методологиясидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисбланади. Шунингдек, дисконланган пул оқимлари моделлари акциядорлик жамияти хусусий акциясии ички қийматини аниқлашга хизмат қиласди ва хусусий акциясидан кутилаётган келажақдаги пул оқимларининг жорий қиймати орқали ҳисоблаш тамоилига асосланади.

Акциядорлик жамиятлари акциясии қийматини баҳолаш, энг аввало, молия ва бухгалтерия назариясига асосан амалга оширилади. Назарияга кўра, энг кўп акцияси қийматини баҳолашда дисконтланган пул оқими ва қолдиқ даромадларни баҳолаш моделларидан фойдаланилади. Бинобарин, дунё амалиётчилари акциядорлик жамиятлари хусусий акциясии қийматини аниқлашда мультипликатор коэффициентлардан фойдаланади, сабаби ушбу баҳолаш усули мураккаб баҳолаш техникасининг ўрнига қўлланилади. Мазкур мультипликатор коэффициентлар орқали акцияси қийматини баҳолашда кўпчилик акциядорлик жамиятлари ва инвестицион банкларнинг ҳисботида ўз аксни топган. Шунингдек, мультипликатор коэффициентлар орқали корпоратив транзакцияларини баҳолашда ҳам фойдаланилади. Ҳаттоқи, мураккаб баҳолаш техникасидан фойдаланувчи амалиётчилар терминал қийматини баҳолашда ва унинг ишончлигини текширишда мультипликатор коэффициентлардан фойдаланилади.

Адабиётлар шарҳи.

Бугунги кунда дунё амалиётида акциядорлик жамиятлари акциясиини баҳолашда нисбий қийматлар баҳолаш усулидан фойдаланиш кенг қўлланиладиган усул ҳисобланади. Жумладан, тадқиқотчилар мазкур усульдан фойдаланишда акциядорлик жамияти акциялари бозор қийматини аниқлаш ва уларни прогноз қилишда ҳам фойдаланмоқда.

Бозор баҳосининг соф фойдага нисбати коэффициенти P/E (price earnings ratio) орқали саноат корхоналари таҳлил қилинган. Мазкур тадқиқотчилар хуносасига кўра, саноат корхоналарининг акцияси қийматини баҳолашда уларнинг даромадлари ўсиши инобатга олиниши лозим, деб таъкидлаганлар (Boatsman, and Bakin, 1998). Акциядорлик жамиятлари акциясиини баҳолашда чегирмавий пул оқимлари усули ҳамда мазкур акциядорлик жамиятлари қарз маблағлари юқори улуши шароитида солиқлар, фоизлар ва амортизация чегирилгунга қадар фойда (Earning before depreciation, interest and tax) мультипликатор коэффициентларига таъсири бўйича тадқиқотлар олиб боргандар. Уларнинг хуносасига кўра, солиқлар, фоизлар ва амортизация чегирилгунга қадар фойда кўрсаткичи ҳисобга олган ҳолда акцияси қийматни баҳолашда чегирмавий пул оқимлари билан баҳолаш усули эканлигини таъкидлайдилар (Kaplan, and Ruback, 1995). Мультипликатор коэффициентларни ҳисоблаб, хусусан, акцияси қиймати бозор баҳосининг соф фойдага нисбати коэффициенти ва акциянинг бозор баҳосини баланс қийматига нисбати коэффициентлари орқали акциядорлик жамиятлари акциясиининг бозор қийматини ҳамда мазкур коэффициентларнинг тортилган вазни комбинацияси орқали акциянинг бозор ва баланс қийматининг прогнозини амалга оширишга мувофиқ бўлган (Penman, 1998).

Акциядорлик жамиятлари акциясиини баҳолашда нисбий қиймат усулини қўллаб мультипликатор коэффициентларнинг акциядорлик жамиятлари банкротлик даражасини аниқлашда фойдаланганлар. Шуннгдек, чегирмавий пул оқимлари коэффициенти ҳисобланган корхона қиймати EV (Enterprise Value) мазкур корхонанинг тушумига нисбати коэффициенти ҳамда корхона қиймати EV (Enterprise Value) мазкур корхонанинг активларига нисбати коэффициентлари орқали корхонанинг банкротлик даражасини аниқлаган. Жумладан, тадқиқот хуносаларига кўра, чегирмавий пул оқимлари коэффициентлари акциядорлик жамияти банкротлигининг эҳтимоллик даражасини 40-70 фоиз атрофида аниқлайди, деб таъкидлайдилар (Hotchkiss, and Mooradian, 1998) Демак, ушбу олимларнинг чегирамавий пул оқимлари коэффициентини қўллаган ҳолда олган таҳлиллари натижалари акциядорлик жамияти банкротлик ҳолатини 100 фоиз эмас, балки 40 фоиздан 70 фоизгача аниқлай олади, деган илмий хулоса келиб чиқади.

Акциядорлик жамиятлари акциясии қийматини ва акцияларнинг бозор баҳосини аниқлашда бозор асосий самарадорликни ифодаловчи мультипликатор коэффициентларни аниқлашнинг муқобил усулларидан фойдаланишган. Уларнинг фикрига кўра, акциясини баҳолашда корхона қиймати EV (Enterprise Value) коэффициентларидан фойдаланиш зарур эканлигини асосланган. Ўз навбатида, акциянинг бозор баҳосини соф фойдага нисбати коэффициент P/E (price earnings ratio) ва акциянинг бозор баҳосини баланс қийматига нисбати P/B (price to book value ratio) коэффициентларига қараганда корхона қиймати EV (Enterprise Value) коэффициентларидан фойдаланиш акциясини баҳосини аниқроқ баҳоланиш имконияти беришини таъкидлайдилар (Liu, Nissim, and Thomas, 2007). Улар ривожланган G-7 давлатлари қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция имконияларига акциянинг бозор баҳосини соф фойдага нисбати коэффициент P/E (price earnings ratio) таъсири борасида тадқиқот олиб борган.

Қимматли қоғозлар бозоридаги инвестиция жозибадорлигига акция бозор баҳосининг соф фойдага нисбати коэффициенти фундаментал таъсир қилувчи омил

ҳисобланиб, Р/Е коэффициентининг ўсиб бориши қимматли қоғозлар бозоридаги акцияларнинг ликвидилиги юқори эканлиги билан изоҳлайди (Rahman, and Shamsuddin, 2019).

Замонавий корпоратив молия ривожланиши борасида илмий ишланиш олиб бораётган маҳаллий иқтисодчи олимлардан Элмирзаев (2019) фикрига кўра, акциядорлик жамиятлари акциясини баҳолашда фойдаланиладиган акцияларни баҳолаш моделларининг бир-нечтасидан фойдаланиш ва уларнинг ўртачасини инобатга олиш мақсадга мувофиқ, деб таъкидлаган. Бундан ташқари, акциясини баҳолашда кенг қўлланиладиган нисбий қиймат усулидаги Р/Е коэффициент моҳиятини қуидагича ифодалайди. Хусусан, Р/Е коэффициенти дастлаб келгуси даврда корхонанинг битта акциясига тўғри келадиган даромадни баҳоланиши билан изоҳлайди (Элмирзаев, 2019).

Маҳаллий иқтисодчи олимлардан Тошмуродова ва Элмирзаев (2017) тадқиқотларида амалиётда кенг қўлланилаётган акцияси қийматини ҳисоб-китоб қилишнинг бир-нечта ёндашувларига тўхталган. Бу эса, ўз навбатида, дивидендларни дисконтлашнинг турли хил моделлари DDM (Dividend discount model), акцияси активларини баҳолаш модели CAPM (Capital asset pricing model), Модильяни — Миллер модели (Modigliani–Miller theorem) ва мультиплікатор коэффициентлар билан акциясини баҳолашни изоҳлайдилар. Булардан ташқари, акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўлларига оид тадқиқотида акцияси таркибини баҳолашда хусусий акцияси ва қарз акциясига нисбатлари орқали ифодаланишини таъкидлаган. Хусусан, қарз акциясии қийматини миниммалаштириш хусусий акцияси рентабеллигини ошиши билан изоҳлайди (Карлибаева, 2007).

Фикримизча, акциядорлик жамиятлари акцияси қийматини ва уларнинг фаолияти самарадорлигини баҳолашда дунё амалиётида кенг қўлланилаётган бозорни муҳим қўрсаткичлари ҳисобланган дивиденд тўлаш коэффициенти, дивиденднинг даромадлилиги даражаси, корхона қийматини EV (Enterprise Value) солиқлар, фоизлар ва амортизация чегирилгунга қадар фойда EBITDA (Earnings Before Interest, Taxes, Depreciation and Amortization) коэффициент, Гордон модели, PEG (price/earnings to growth) коэффициенти, акцияни бозор баҳосини соф фойдага нисбати коэффициент Р/Е (price earnings ratio) ва акциянинг бозор баҳосини баланс қийматига нисбати Р/В (price to book value ratio) коэффициентлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунингдек, мазкур коэффициентлардан бугунги кунда мамлакатимиздаги йирик акциядорлик жамиятларида давлат улушини қисқартириш мақсадида ушбу акциядорлик жамиятлари акцияларини бирламчи оммавий жойлаштиришни амалга оширишда акцияларнинг бозор баҳосини аниқлашдан кенг фойдаланимоқда.

Тадқиқот методологияси.

Тўплаган амалий маълумотларимиз, жумладан маҳсус қўрсаткич, яъни панель маълумотлари⁶² асосида таҳлил қилиниб, хусусан ушбу панель бирликлари сифатида мамлакатимиздаги “Қизилқўмцемент”, “Ўзметкомбинат”, “Қўқон механика заводи” ва “Кварц” АЖларнинг акцияси қийматига таъсир этувчи омиллар, хусусан молиявий қарамлик (debt ratio), Р/Е (price-to-earnings ratio), Р/В (price-to-book ratio), Р/С (price-to-sales ratio) ва ЕВ/С (enterprise value-to-sales) коэффициентларининг таъсирини акциядорлик жамиятлари кесимидағи маълумотлари базаси 2015-2020 йиллар акс эттирилган Мазкур, маълумотлардан келиб чиққан ҳолда, панель маълумотлари асосида регрессион ва корреляцион таҳлил амалга оширилди. Панель маълумотлари асосидаги эконометрик таҳлилни амалга ошириш орқали “Қизилқўмцемент”, “Ўзметкомбинат”, “Қўқон механика заводи” ва “Кварц” АЖларнинг акцияслари қийматига таъсир қилувчи омилларнинг таъсирини аниқ баҳолаш имкониятини беради.

⁶² <http://www.classes.ru/dictionary-english-russian-scienceenru-term-78341.htm>. Кўп ўлчовли вақтлар қатори маълумотлари

Шунингдек, акциядорлик жамиятларининг қийматига таъсир қилувчи омиллар орқали эконометрик модел шакллантирилиб, ушбу модел асосида прогноз кўрсаткичлари тизимлаштирилди. Ушбу моделларни тузишда ҳозирги кунда эконометрикада кенг қўлланилаётган "Eviews 9" дастуридан фойдаланамиз. Кўп омилли регрессион ва корреляцион эконометрик моделини тузишда натижавий омил сифатида танланган акциядорлик жамиятларининг қиймати (EV) ва унга таъсир қилувчи омиллар белгиланиб, тадқиқот гипотезалар аниқланди:

H_1 - молиявий қарамлик (debt ratio) коэффициентининг акциядорлик жамиятларининг акциясилари қийматининг ўсишига боғлиқ ва юқори таъсирга эга;

H_2 - P/E коэффициентининг акциядорлик жамиятларининг акциясилари қийматининг ўсишига боғлиқ ва юқори таъсирга эга;

H_3 - P/B коэффициентининг акциядорлик жамиятларининг акциясилари қийматининг ўсишига боғлиқ ва юқори таъсирга эга;

H_4 - P/S коэффициентининг акциядорлик жамиятларининг акциясилари қийматининг ўсишига боғлиқ ва юқори таъсирга эга;

H_5 - EV/S коэффициентининг акциядорлик жамиятларининг акциясилари қийматининг ўсишига боғлиқ ва юқори таъсирга эга.

Юқоридаги гипотезадан келиб чиқсан ҳолда, қуйидаги математик функциялар шакллантирилди:

$$E_{ev} = \alpha + \beta_1(\text{debt ratio})_1 + \beta_2 (\frac{P}{E})_2 + \beta_3 (\frac{P}{B})_3 + \beta_4 (\frac{P}{S})_4 + \beta_5 (\frac{EV}{S})_5 + \varepsilon_i \quad \beta > 0 \quad (4.1)$$

Бу ерда:

E_{ev} - акциядорлик жамияти акциясининг қиймати;

debt ratio - молиявий қарамлик коэффициенти;

P/E - акциянинг бозор қиймати/ ((соф фойдани-имтиёзли акцияларга тўланган дивидендер)/ оддий акцияларнинг сони коэффициенти;

P/B - акциянинг бозор қиймати (компаниянинг бозор қийматини)/ акциянинг баланс қиймати коэффициенти;

P/S - акциянинг бозор қиймати (компаниянинг бозор қийматини)/сотиш ҳажми коэффициенти;

EV/S - компаниянинг бозор қийматини/солиқ ва фоизларда олинги фойда компаниянинг қиймати=компаниянинг бозордаги акциясилашуви+компаная соф қарзи коэффициенти;

Биринчи босқичда: Панель маълумотлари асосида корреляцион матрицани амалга оширамиз. Чунки, кўп омилли функцияни шакллантиришда эрксиз ўзгарувчилар орасида қандайдир даражада корреляция мавжуд бўлиб бу эса мультиколлиниарлик⁶³ муаммосини келтириб чиқаради.

Иккинчи босқичда: Танланган ўзгарувчилар ўртасидаги мультиколлиниарлик муаммосини ҳал қилинганидан сўнг, панель моделларини шаклантирамиз.

Учинчи босқичда: Шакллантирилган панель моделларининг қайси бири яхшироқ модел эканлигини танлаш учун тест ўтказилади.

Тўртинчи босқичда: Танланган яхшироқ модел орқали акциядорлик жамиятининг акциясии қиймати 2023 йилгача бўлган давр учун прогнози амалга оширилади.

Таҳлил ва натижалар муҳокамаси.

Эконометрик таҳлил натижасида йиғма, ўзгармас эфект ва тасодифий эфект моделларининг кўрсаткичларини ҳисоблашни амалга оширамиз (1-жадвал).

⁶³ <https://translate.academic.ru/multicollinearity/en/ru/>. Регрессион таҳлилда икки ва ундан ортиқ мустақил (боғлиқ бўлмаган) ўзгарувчилар ўртасида юқори корреляциядир.

1-жадвал

**Регрессион моделлар кўрсаткичларининг натижалари
(2014-2020 йиллар маълумоти асосида)**

Эрксиз ўзгарувчи (\ln_{ev})	(1)	(2)	(3)
	Йиғма модел	Ўзгармас эфектлар модели	Тасодифий эфектлар модели
ev_s	18,8907*** (0,0008)	5.6346*** (0.0678)	18.8907*** (0.0000)
p_s	-17.8469*** (0.0008)	-2.7743*** (0.0554)	-17.8469*** (0.0000)
$debt_ratio$	-5.612523 (0.0008)	1.234082 (0.2543)	-5.6125 (0.0000)
C(constant)	6.25170** (0.0000)	5.1804** (0.0000)	6.2517** (0.0000)
Кузатувлар сони	20	20	20
R-квадрат	0.6008	0.9548	0.6008

Манба: «Қизилқумцемент», «Ўзметкомбинат», «Қўқон механика заводи» ва «Кварц» АЖларнинг маълумотлари асосида Eviews-9.0 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.

Қавслар ичидағи кўрсаткичлар стандарт хатолик Р-қийматдаги, ***P<0,01, **P<0,05, ***P<0,1

1-жадвалдаги учта моделдаги танлаган эркли ўзгарувчиларнинг йиғма моделидаги Р-қиймати 0,001 дан кичик эканлигини кузатиш мумкин. Бироқ, ўзгармас эфектлар моделида танланган эркли ўзгарувчи ҳисобланаган ev_s , p_s , ва $debt_ratio$ кўрсаткичлари Р-қиймати 0,001 кичик эканлигини кузатиш мумкин. Тасодифий эфектлар модели барча эркли ўзгарувчилари Р-қиймати 0,001 дан эканлигидан далолат беради. Агар биз мазкур эркли ўзгарувчилар бўйича гипотеза тестини ўтказсак, учта моделда ҳам \ln_{ev} ўзгарувчининг коэффициенти 90 фоизлик даражада статистик мухим эканлиги кузатилади. Бундан ташқари, тасодифий эфектлар модели ev_s , p_s , ва $debt_ratio$ эркли ўзгарувчи ҳам 99 фоизда статистик мухим даражасида таъсир этмоқда. Бу шуни англатадики, иккита эркли ўзгарувчи эрксиз ўзгарувчига тўлиқ таъсир этишини ифодалай олади. R-квадратга назар ташласак, учала моделда ҳам қийматнинг 1 га яқинлигини кўриш мумкин. Айниқса, Ўзгармас эфектлар моделида R-квадрат кўрсаткичи деярли 1 га яқинлашган.

Ҳисобланган йиғма, ўзгармас ва тасодифий эфектлар моделларининг кўрсаткичларига назар ташласак, фарқ жуда катта эмаслигини кузатиш мумкин. Мазкур моделлардан қайси бири яхшироқ эканлигини аниқлаш учун хорижлик иқтисодчи олим Ж.Хаусман тестидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоблар амалга оширилди.

2-жадвал

Ж.Хаусман тести натижалари

Ўзгарувчилар	Ўзгармас таъсир (a)	Тасодифий таъсир (b)	Ўзгарувчиларнинг фарқи (a-b)	Эҳтимоллик даражаси
EV_S	5.634634	18.890747	5.086046	0.0000
P_S	-5.774357	-17.846915	4.908149	0.0000
DEBT_RATIO	1.234082	-5.612523	0.811982	0.0000
Тасодифий эфектларнинг кросс-секциони (Cross-section random)	Чи-квадрат (χ^2) статистикаси	Чи-квадрат тақсимоти	Эҳтимоллик даражаси	
	101.988938	3	0.0000	

Манба: «Қизилқумцемент», «Ўзметкомбинат», «Қўқон механика заводи» ва «Кварц» АЖларнинг маълумотлари асосида Eviews-9.0 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.

Тест эҳтимоллиги 5 фоиздан кам бўлса, ўзгармас эфектлар модели яхшироқ модель ҳисобланади. Агар мазкур эҳтимоллик кўрсаткичи 5 фоиздан катта бўлса, тасодифий эфектлар модели яҳшироқ деб қаралади. Ушбу тестнинг таҳлили қуидаги жадвалда келтирилган (2-жадвал).

2-жадвалдаги Хаусман тести натижалари тасодифий эфектлар модели бошқа моделларга нисбатан яхшироқ эканлигини кўрсатмоқда. Тасодифий эфектлар модели яхшироқ эканлиги Р-қиймат эҳтимоллиги кўрсаткичига кўра нолинчи гипотеза ва муқобил гипотеза фаразидан фойдаланиб аниқланди. Унга кўра, нолинчи гипотеза сифатида тасодифий таъсир модели қабул қилиниб, унинг муқобил варианти, яъни ўзгармас таъсир модели рад этилди. Тадқиқотимиздаги Хаусман тестдаги (χ^2)ни статистик муҳимлилик даражаси 5 фоиздан кичик бўлгани ва Р-қиймат 0.0000 га тенглиги ўзгармас эфектлар модели бошқа моделларга нисбатан яхшироқ эканлигини кўрсатади. Мазкур тестдан кейин, қолдиқлар (residuals) ўртасидаги корреляцион боғлиқлик тестини ўтказамиз. Ушбу тестнинг натижасини қуидаги жадвалдан кўришимиз мумкин.

Хуоса қилиб айтиш мумкинки, панель маълумотлари асосида учта модель орқали таҳлил қилинганда ўзгармас эфектлар модели энг мақбули ҳисобланади. Мазкур моделнинг мустаҳкамлигини аниқлаш тести, яъни қолдиқлар ўртасидаги боғлиқлик мавжуд эмаслиги моделнинг прогноз қилиш имконияти мавжуд эканлигидан далолат беради. Акциядорлик жамиятларининг акциясии қийматига ev_s, p_s, ва debt_ratio коэффицентлар таъсири ўрганилганда, ev_s, p_s коэффициентлари бевосита таъсир қилишини кўрсатди. Ўзгармас эфектлар моделидаги бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда ev_s коэффициентни бир бандга ўсиши акциядорлик жамияти акциясии қийматининг 5,6 баробарга ўсишига олиб келади. P_S коэффицент бир поғонага ўсиши акциядорлик жамияти акциясии қийматининг 2,7 баробарга тушишига олиб келади. Шундан келиб чиққан ҳолда акциядорлик жамиятларининг акциясилари қийматига бевосита таъсир этувчи омилларни баҳолашда тасодифий таъсир моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, акциядорлик жамиятлари акциясилари қийматини ўрта ва қисқа мuddатда ўзгаришини ҳамда яқин келажакда акциядорлик жамиятлари акциясиларига бўлган инвестиция салоҳиятини аниқлашга хизмат қиласди.

Тадқиқотимизда танланган ўзгармас эфектлар модели энг мақбул ҳисобланади. Шу сабабли, танланган моделнинг диагностика тести шуни кўрсатдики, ўзгармас эфектлар модели тўғри прогноз қилиш имкониятига эга.

3-жадвал

Акциядорлик жамиятлари акциясилари қийматининг ўсиши йиллар кесимидағи прогнози 2020-2023 йиллар, млрд.сўм

Йиллар	Акциядорлик жамияти акциясиининг қиймати (млрд.сўм)	EV/S коэффициенти	P/S коэффициенти	Debt ratio коэффициенти
2019	244,25	0,5415	0,5063	0,2061
2020	240,69	0,4205	0,3908	0,2445
2021	258,55	0,3526	0,2961	0,3713
2022	378,08	0,3718	0,3415	0,3064
2023	396,19	0,7115	0,6860	0,3809
2024	398,78	0,5670	0,5372	0,4253
2025	409,24	0,5961	0,5682	0,4664
2026	411,66	0,6252	0,5992	0,5076
2027	419,31	0,6544	0,6302	0,5487

Манба: «Қизилқумцемент», «Ўзметкомбинат», «Кўқон механика заводи» ва «Кварц» АЖларнинг маълумотлари асосида Eviews-9.0 дастури ёрдамида муаллиф томонидан тайёрланган.

Шунинг учун илмий ишимизда ўзгармас эфектлар модели орқали акциядорлик жамиятлари акциясилари қийматига таъсир этувчи омиллар ҳисобланган коэффициентлар билан прогнозни амалга оширамиз (3-жадвал).

3-жадвал маълумотларидан кўриниб турибдки, акциядорлик жамиятларининг акциясилари қиймати 2027 йилга келиб, деярли 1,7 борбарга ошганлигини кўришимиз мумкин. Бунинг асосий сабабларидан бири, акциядорлик жамиятларининг маҳсулот сотишдан тушган тушумининг ва акциялари бозор қийматининг ошиши энг асосий омилардан бири ҳисобланади. Шу билан бирга, акциядорлик жамиятларининг қарз акциясии ошиши эвазига ҳам акциясилар қиймати ошиши кутилмоқда. Таҳлилга назар ташласак, акциядорлик жамиятлари қарз коэффициенти 2023 йилда 2019 йилган нисбатан 1,42 барobarга ошиши кутилмоқда. Хулоса қилиб шуни таъкидлаш жоизки, республикамиздаги акциядорлик жамиятлари акциясилари қийматининг ўсишини таъминловчи асосий кўрсаткичлар акциядорлик жамиятлари акциялари бозор қийматининг ўсиши, қарз акциясиининг ортиши ва маҳсулотдан тушган тушумларнинг ўзгариши ҳисобланади. Қарз акциясиининг ортиши акциядорлик жамиятлари акциясилари қийматига салбий таъсир қиласди. Чунки, тадқиқотларимизга асосланиб айтишимиз мумкинки, қарз акциясиининг ортиши акциядорлик жамияти акциясии реал қийматининг тушшига, мажбуриятларининг ошишига ва молиявий ҳолатининг ёмонлашишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар.

Юқорида олиб борилган илмий иш асосида қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

Биринчидан, Ўзбекистонда акциядорлик жамиятларининг акциясилари қийматини баҳолашда харажатлар ёндашувидан фойдаланган ҳолда ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблаш ва эскириш қолдиқларини ҳисоблаш орқали амалга оширилиб келинмоқда. Тараққий этган мамлакатларда даромад ва таққослама ёндашувлардан фойдаланган ҳолда акцияси қийматни баҳолашда активлардан келадиган пул оқималари ва даромадлар билан амалга оширилмоқда. Таққослама ёндашувида эса, акциядорлик жамиятининг активларига ўхшаш ҳисобланган активларни инобатга олган ҳолда баҳолаш амалга оширилмоқда. Шу сабабли, республикамизда акциясилар қийматини баҳолашда даромад ва таққослама ёндашувдан фойдаланган ҳолда баҳолаш жараёнини амалга ошириш мақсадга мувофиқ бўларди. Натижада, акциядорлик жамиятларининг акциясилари реал бозор қийматини баҳолаш имконияти яратиларди.

Иккинчидан, панель маълумотлари асосида учта модель орқали таҳлил қилинганда ўзгармас эфектлар модели энг мақбули ҳисобланади. Мазкур модельнинг мустаҳкамлигини аниқлаш тести, яъни қолдиқлар ўртасидаги боғлиқлик мавжуд эмаслиги модельнинг прогноз қилиш имконияти мавжуд эканлигидан далолат беради. Акциядорлик жамиятларининг акциясии қийматига ev_s , p_s , ва $debt_ratio$ коэффициентлар таъсири ўрганилганда, ev_s , p_s коэффициентларини бевосита таъсир қилиши кўрсатди. Ўзгармас эфектлар моделидаги бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда ev_s коэффициентни бир бандга ўсиши акциядорлик жамияти акциясии қийматининг 5,6 барobarга ўсишига олиб келади. P_S коэффициент бир поғонага ўсиши акциядорлик жамияти акциясии қийматининг 2,7 барobarга тушшига олиб келади. Шундан келиб чиқсан ҳолда акциядорлик жамиятларининг акциясилари қийматига бевосита таъсир этувчи омилларни баҳолашда тасодифий таъсир моделидан фойдаланиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади.

Учинчидан, чегирмавий пул оқимлар орқали акциядорлик жамиятлари акциясилари қийматини баҳолашнинг истиқболли йўналишларини йиллар давомида амалга ошириш лозим. Мазкур истиқболли йўналишларнинг амалга оширилиши, акциядорлик жамиятларининг акциясилари таркибидаги акциялари ва облигациялари

даромадини, мазкур қимматли қоғозлардан кутилаётган даромадни ва бозор рискини аниқлаш имкониятини беради. Бундан ташқари, акциядорлик жамиятларининг акциясилари таркибини аниқлаш ва диверсификация қилиш ҳамда мазкур акциясидан қанча даромад олишни аниқлашга хизмат қилади.

Адабиётлар/Литература/Reference:

- Boatsman, J., and Bakin, E. (1981). *Asset valuation with incomplete markets. The Accounting Review*, Vol. 56, No. 1, pp.38–53
- Elmirzayev S. va boshqalar. (2019) *Moliya bozori. Darslik*. – T.: "Iqtisod-moliya", – 324 b.
- Hotchkiss, E. and Mooradian, R. (1998) *Acquisitions as a Means of Restructuring Firms in Chapter 11. Journal of Financial Intermediation*, vol. 7, issue 3, pp.240-262
- Kaplan, S.,and Ruback, R. (1995). *The valuation of cash flow forecasts: An empirical analysis. The Journal of Finance*, Vol. 56, No. 4, pp.1059–1093.
- Liu, J., Nissim, D., and Thomas, J. (2007). *Is Cash Flow King in Valuations? Financial Analyst Journal*, Vol 63, Issue 2, pp.56–65.
- Penman, S. (1998). *Combining Earnings and Book Value in Equity Valuation. Contemporary Accounting Research*, Vol. 15, No. 3, pp.291-324
- Rahman, M. L., and Shamsuddin, A. (2019). *Investor sentiment and the price-earnings ratio in the G7 stock markets. Pacific-Basin Finance Journal*, 55, 46-62
- Toshmurodova B., Elmirzayev S., Tursunova N. (2017) *Moliyaviy menejment. Darslik*. –T.: "Iqtisod-moliya", – 325 b.
- Карлибаева Р. (2007) "Акциядорлик жамиятларида молиявий менежмент тизимини самарали ташкил этиш йўллари" Автореферат, –Т., 1-30 бет.